

**2022 йил 2-ярим йилликда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган қўшимча
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбир	Амалга ошириш механизми	Ижро этиш тури	Муддати	Масъул ижрочилар
Аҳоли бандлигини ошириш					
1.	<p>Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 31,6 минг нафар ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини бандлигини таъминлаш.</p>	<p>1. Меҳнат органлари йўлланмаси билан 19,1 минг ишсизлар доимий иш ўринларига ишга жойлаш-тириш.</p> <p>2. Иш берувчиларни ишсиз фуқароларни ишга олишга рағбатлантириш мақсадида ходимларни малакасини ошириш, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квотадан ортиқ ишга қабул қилган корхоналарга субсидия ажратиш орқали 447 нафар ишсизлар банд қилиниб, 2,3 млрд.сўм субсидия ажратилади.</p> <p>3. 2,6 минг нафар фуқарони Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларга тартибли асосда ва манзилли ишга юбориш.</p> <p>4. Наманган шаҳарида “Ишга марҳамат” мономаркази, Тўра-қўрғон, Учқўрғон Янгикўрғон ва Наманган кабга ўқитиш марказлари ҳамда 86 та маҳаллаларда ташкил этилган масканларда 23 та ишчи касб (<i>пайвандчи, кран оператори, қурувчи, тикувчилик, машиний техникани таъмирлаш, сартарошлик, ошпазлик, металга ишлов бериш каби</i>), тадбиркорлик ва касбий кўникмалари, хорижий тилларга (<i>рус, инглиз, корейс, япон тиллари</i>), ишсиз ёшларни касбга ўқитиш.</p> <p>5,3 мингдан ортиқ ишсизни янги касбларга ўргатиш ва бандлиги таъминланади ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 5,6 млрд.сўм маблағ тўлаб берилади.</p> <p>5. 6,7 минг нафар ишсиз фуқаро жамоат ишларига жалб этилиб, уларга иш ҳақи тўлови учун 7,3 млрд.сўм тўлаб берилади.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 2-ярим йилликда	Бандлик бош бошқармаси